

## Тошкент Ислон институтида Араб тилидан ижодий имтиҳон бошланди



12:39 / 28.07.2021 1158

Бугун, 28 июль куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислон институтида Араб тилидан ижодий имтиҳон бошланди. Ижодий имтиҳон Файзуллоҳ қори Иззатиллаев қироатида Қуръони Карим оятлари тиловати ва хайрли дуолар билан бошланди.



Кириш имтихони бошланишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Салоҳиддин Шерхонов, Диний-маърифий таълим муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Бобомурод Рустамов, қабул ҳайъати аъзолари, абитуриентлар ва ота-оналар гувоҳлигида имтихон билетлари солинган ва муҳрланган махсус қоплар

очилди.

Шундан сўнг абитуриентлар карантин талаблари асосида институтнинг имтиҳон учун ажратилган биносига киритилиб, муҳрланган конвертлардан бирини танлаб, билет саволларига тайёрланиш учун парталардан жой олмоқда. Маълум вақтдан сўнг абитуриентлар имтиҳон олувчи ўқитувчилар олдида билет саволларига жавоб беришмоқда.





Имтиҳон жараёнларини Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон муслмонлари идораси, институт қабул ҳайъати аъзолари ва турдош ташкилот вакиллари кузатиб, назорат қилмоқда.



Маълумот учун, 2021-2022 ўқув йили учун кундузги таълим бўйича Тошкент ислом институтига 242 нафар йигит ва 39 нафар аёл-қиз абитуриент ҳужжат топширган.

Эслатиб ўтамиз, эртага, 29 июль куни Ақоид-фиқҳ ва Ўзбекистон тарихи фанларидан тест синови бўлиб ўтади.

Мандат натижалари эса 30 июль куни эълон қилинади.